

Qishloq hayoti

2009 йил

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

Қишлоқ ҳаёти

ISSN 2010-7021

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2009 YIL 15 DEKABR, SESHANA, 149 (7610) - son

1974 yil 1 yanvardan chiqqan boshlagan Bahosi keshilgan narxda.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2009-2010 йил қиш-баҳор мавсуми учун мева-сабзавот маҳсулотларининг захирасини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш борасида Навоий цаҳрида ҳам ҳар йилгидан кўпроқ саъй-ҳаракатлар қилинмоқда.



Ота-онадан фарзандга қоладиган энг муносиб мерос юксак ахлоқ ва гўзал тарбиядир. Шу боисдан барча даврларда тарбияга ҳаёт-мамот, умумбақарий ва умумижтимоий масала сифатида ёндашилган.



Ўтказилаётган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, содир бўлган ёнғинларнинг аксарият қисми шахсий турак-жойларда юз бермоқда. Ёнғинлар печь, газ ҳамда электр ускуналаридан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя қилмаслик, қолаверса, оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш ва энг ачинарлиси, ёш болаларнинг ўт билан ўйнашлари оқибатида содир бўлмоқда.

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг тақлифига биноан 13-14 декабрь кунлари расмий ташир билан ушбу мамлакатда бўлди.

Ўзбекистон-Туркменистон: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон ва Туркменистон халқларини умумий тарих, муштарак маданият ва қадриятлар бир-бирига боғлаб туради. Ўзбек ва туркман азалдан бир-бирининг маданиятини бойитиб, савдо-сотик қилиб, тўй-томошаларида меҳмон бўлиб келади. Аждодларимизнинг илмий ва адабий мероси ҳам халқларимизнинг умумий мулки саналади. Ўзбекистонда Маҳтумқули, Туркменистонда Алишер Навоий асарлари кириб бормаган хонадон йўқ, деса бўлади.

Мамлакатларимиз мустақилликка эришганидан кейин анъанавий дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари янги замон руҳида ривожлана бошлади. Ўзаро муносабатларни ривожлантиришдан Ўзбекистон ҳам, Туркменистон ҳам бирдек манфаатдор. Бу муштарак манфаатдорлик олий даражадаги учрашувларнинг мунтазам тус олишига асос бўлди. Ўзбекистон Президенти 2007 йилда Туркменистонга, 2008 ва 2009 йилларда Туркменистон раҳбари Ўзбекистонга ташир қилди. Бу гал Ислам Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов Ашхободда учрашдилар.

Туркменистон Президентининг саройида 13 декабрь кунини давлатимиз раҳбарини расмий қутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортиди. Ислам Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов шоҳсулуга кўтаришди. Ўзбекистон ва Туркменистон давлат махфиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдида ўтидилар.

Ўзбекистон ва Туркменистоннинг тинчликпарвар ташқи сийбати, халқро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлаши, минтақавий таҳдидларнинг олдини олиш масаласига ёндашувларнинг мослиги сиёсий соҳада мамлакатларимизни Ўзаро яқинлаштирадиган муҳим жиҳатлардир. Ўзбекистон ҳам, Туркменистон ҳам терроризм, диний экстремизм, халқро уюшган жиноятчилик, қурол-ярғоқ ва наркотик моддалар

контрабандасига қарши ҳамкорликда курашиш зарур, деган нуқтаи назарни ёқлайди. Мамлакатларимиз минтақавий интеграцияни ривожлантириш Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, янада изчил тараққиётни таъминлашнинг муҳим омилли деб ҳисоблайди.

Мулоқот чоғида Марказий Осиёда сув-энергетика захираларидан унумли фойдаланиш масаласи муҳокама қилинди. Трансчегаравий дарёллар бўйида гидротехник иншоотлар барпо этиш чоғида минтақанинг барча мамлакатлари билан маслаҳатлашиш, мустақил халқро экспертларнинг хулосасини олиш зарурлиги таъкидланди.

Иқтисодий ҳамкорлик ҳақида сўз кетганда, аввало, Ўзбекистонда ҳам, Туркменистонда ҳам энергия манбаларининг йирик қонлар мавжуд эканини, нефть-газ саноати жадал ривожланиб, хорижий сармоядорлар билан шериклик алоқалари кўлами кенгайиб бораётганини таъкидлаш жоиз. Мамлакатларимиз бир соҳада икки томонлама ҳамкорлик баробарида кўп томонлама лойиҳаларда ҳам фаол иштирок этмоқда. Туркменистон-Ўзбекистон-Қозғистон-Хитой газ қувури бунинг ёрқин тасдиғидир.

Бундай лойиҳалар негизда нафақат иқтисодий, балки сиёсий ва гуманитар манфаатлар ҳам муҳим. Қувур тортиш чоғида унинг теварағида инфратузилма барпо этилиб, янги иш ўринлари яратилди. Янги қувурлар мамлакатларимизнинг транзит салоҳиятини оширади. (Давоми 2-саҳифада)

"ЗАНГОРИ ОЛОВ"НИНГ УЗЛУКСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИ



Аҳолининг қишки мавсумдаги эҳтиёжини тўла қондириш, сифатли хизмат кўрсатиш, мавсумни узлишларсиз ўтказиш мақсадида "Янгийул Газ" корхонаси жамоаси пухта тайёргарлик кўрди.

Газ қувурларининг созлиги, уни нафақат тежаш, балки, ҳар бир хонадонда "зангори олов"нинг мунтазам бўлиб туришига омил бўлади. Шу боис жамоа айна пайтда ҳар бир қувурнинг назоратига, хонадонлардаги ахвол-

га жиддий эътибор қаратмоқда. — Корхонамизда ушбу ишга 8 та гуруҳ жалб этилган, — дейди корхона ишчиси Икром Мирзааҳмедов. — Туман ҳудудида ва Янгийул шаҳрига хизмат қилмоқдамиз. Газ қувурлари-

ни таъмирлаш, аҳолининг газдан тўғри фойдаланиши борасида барча имкониятларни ишга соляпмиз. Мақсадимиз мавсумни узлишларсиз ўтказиш. Энг муҳими, ҳар бир хонадонга ушбу неъматни етказиб беришга ҳаракат қиляпмиз.

СУРАТДА: "Янгийул Газ" корхонаси ишчилари Икром Мирзааҳмедов ва Иброҳим Аранқулов.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Сирдарё Вилояти БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ВОЯГА ЕТКАЗИШ ЙЎЛИДА

Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллиғига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида ўйланган барча режаларни амалга оширадиган ва қўзланган мақсадларни рўйбга чиқарадиган қудратли бир омил борки, у ҳам бўлса, юқори малакали иш кучи ва юртимизнинг эртанги кунини, тараққиётни учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган етуқ мутахассис йшларимиз эканлигини алоҳида таъкидлади. Мана шундан келиб чиқиб, давлатимиз раҳбари 2010 йилни мамлакатимизда Баркамол авлод йили деб эълон қилишни таклиф этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташқи Сийбат масалалари ҳақида Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмиталари томони-

дан шу йил 11 декабрь кунини Гулистон шаҳрида БМТнинг Техникавий ва ҳунар таълими тўғрисидаги конвенциясининг Сирдарё вилояти қишлоқ туманларида ижро этилишини ўрганишга бағишланган қўшма мажлис ўтказилди. Ушбу Конвенция 1989 йил 10 ноябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таъ-

лим, фан ва маданият масалалари бўйича Бош Конференциясининг 25-сессиясида қабул қилинган. Конвенция техникавий ва ҳунар таълимини ривожлантиришга кўмаклашишга, шунингдек, барча аҳоли гуруҳлари таълим олиши учун тенг шароитлар яратиш ишида халқро ҳамкорлик қилишга ҳамда техникавий ва ҳунар таълими соҳасида тажриба алмашишга йўналтирилган. Ўзбекистон мазкур Конвенцияга 1997 йил 30 августда қўшилган. (Давоми 2-саҳифада)

Самарқанд Вилояти

Қўшрабат туманининг Октепа қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги "Сомад Нарзуллаев" фермер хўжалиги раҳбари Фарҳод Нарзуллаев мева маҳсулотларини қайта ишлайдиган цех қуришга аҳд қилди.

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИДА МИНИ ЦЕХ

Дастлаб у "Микрокредит-банк"нинг Самарқанд виллоят филиалидан 6 миллион сўм кредит олиб, сўнг ўзининг сармоясини ҳам қўшиб, цехни ишга туширди. Бу билан тўртта янги иш ўрни яратилди.

Мулкдор айна пайтда макорон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган мини цехни қуришга ва меваларни консервациялашга йўлга қўйишга киришган.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ

ЎЗБЕКИСТОН КАРАТЭЧИЛАРИ ЭНГ КУЧЛИ

12-13 ДЕКАБРЬ КУНЛАРИ Италиянинг Удине шаҳрида бўлиб ўтган каратэ бўйича клублар ўртасидаги VI жаҳон чемпионатида мураббий А.Содиқов бошчилиғидаги Ўзбекистон каратэ терма жамоаси 6 та олтин, 3 та кумуш, 1 та бронза медалини кўлга киритган ҳолда умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўринни мусобақа медаллари Италия каратэчилари, учинчи ўринни эса Япония спортчилари эгаллашга муваффақ бўлди.

Ушбу мусобақада жами 40 та мамлакатдан 85 та каратэ клуби, 1500 нафар каратэчи иштирок этди.

Азиз НУРУЛЛАЕВ



Қашқарё Вилояти

ИСТЕЪДОД СОҲИБАЛАРИ САРАЛАНДИ

Қарши шаҳридаги Ёшлар марказида Зулфия номлидаги Девлат муҳофоти номзодларини саралаш танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Унда аъло хулқи, зукколиги, ташаббускорлиги, ўқишдаги муваффақиятлари, ёрқин истеъдодини намойиш қилиш билан бирга турли жаҳбаларда меҳнат қилаётган, танловнинг шаҳар ва туманлар босқичида голибликни кўлга киритган 66 нафар иқтидорли қиз таълим, адабиёт, фан, маданият ва санъат йўналишлари бўйича ўз маҳоратларини синовдан ўтказишди.

Қизгин ўтган бахслар якунига кўра Китоб туманидаги 16-ўрта мактабнинг

11-синф ўқувчиси Гулбаҳор Луқмонова адабиёт, Қарши муҳандислик-иқтисодий институтини қошидаги "Нуристон" академик лицейининг хорижий тиллар йўналиши бўйича 2-босқич ўқувчиси Дилушбону Хамроева таълим, Ўзбекистон Давлат консерваторияси ҳузуридаги иқтидорли болалар академик лицейининг ўқувчиси Эъзова Жалилова санъат, Қарши шаҳридаги 1-иқтисодлашган мактаб ўқувчиси Шоҳида Эшмаматова маданият, Қарши давлат университети қошидаги 2-академик лицейининг 2-босқич ўқувчиси Азиза Алманова фан йўналиши бўйича голибликни кўлга киритиб, танловнинг республика босқичига йўланма олдилар.

Ўз мухбиримиз.

Qishloq hayoti
Қишлоқ ҳаёти

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Агроеконом комплекс таркибидagi ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар —

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ергеодезакадастр", Табиати муҳофаза қилиш Давлат кўмиталари, "Ўздонмаҳсулот", "Ўзкимёсаноат", "Ўзагроосуғурта", "Ўзвинсоноат-холдинг", "Ўзбекенгилсаноат", "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компаниялари, "Ўзпахтасаноат", "Ер-мой ва озиқ-овқат саноати", Ўзбекистон фермер хўжаликлари, "Ўзагромашсервис", "Ўзгўштсаноат" уюшмалари, "Агробанк", "Қишлоқ қурилиш банк", Халқ банки, "Гидрометеорология" бош бошқармаси, Агроеконом ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, "Ўздавдонинспекция", "Сифат" маркази

Куннинг муҳим воқеалари

► Пойтахтимизда Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатларида полиз экинлари ва сабзавотнинг янги навларини яратиш, маҳсулларини янада тақомиллаштиришга бағишланган халқро анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Бутунжаҳон сабзавотчилик маркази ҳамкорликда ташкил этган тадбирда Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон, Озарбойжон, Грузия каби мамлакатларнинг таълими ташкилотлари вакиллари, илмий-тадқиқот институтлари олимлари иштирок этди.

► Фарғона вилоятининг Қувасой шаҳрида Арсиф қишлоғида Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, Ёшлар ҳамда саломатлик марказларини ўз ичига олган мухташам мажмуа фойдаланишга топширилди.

► Пойтахтимиздаги Ўзбекистон Амалий санъат музейида гиламлар кўргазмаси ташкил этилди. Кўргазмада юртимизнинг турли ҳудудларига хос савқондан эийб гилам намойиш этилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси

Оролбўйидаги эврилишлар

Бу — овуллар қиёфаси ўзгаришида ёрқин намоён бўлмоқда

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурига мувофиқ қишлоқларда намунавий уй-жойлар қуриш борасида кенг қамровли ишлар бошлаб юборилганлиги Оролбўйи аҳолиси учун ҳам айни мuddао бўлди. Президентимизнинг жорий йил 3 августда қабул қилинган "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўлини кенгайтиришга оид қўшма қарор қўйиш тўғрисида"ги қарорини изчил ҳаётга татбиқ қилиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасининг Қўнғирот, Хўжайли, Нукус, Көгайли ва Эллиққалъа туманларида 116,5 гектарлик ер массивлари ажратилди.

Оролбўйидаги аҳоли зич жойлашган Қилчиноқ овул фуқаролар йиғини ҳудудида 20 та турар жой, маданий-манший хизмат кўрсатиш нуқталарини бунёд қилишга "Аёзқалъа" масъулияти чекланган жамиятининг юз нафардан кўпроқ бинокорларидан иборат махсус бригадалари қурилиш-монтаж ишларини жадал бошлаб юборишди.

Ишларнинг маромида юритилишида қишлоқ аҳолиси учун ақса тартибдаги уй-жойларнинг лойиҳалари ва қуриш материалларини ихтисослаштирилган минтақавий қўриқчалар катта роль ўйнади, — дейди "Аёзқалъа" МЧЖ раҳбари Махсуд Сапарбоев. — Шунингдек, "Қишлоққурилишлойиҳа" институти, "Қишлоққурилишбанк" банки фаолият бошлагани, махсус қурилиш ташкилотлари ишдаётгани ўзига хос ғамхўрлик бўлди. Бинокорлик материаллари етарли. 20 та турар-жойларнинг дастлабки иморатларида гишт териш ишлари поёнига етди. Ҳар бир турар-жой шинам, зарур қулайликларга эга бўлади. Энг муҳими, ўта замонавий иморат 15 йил мuddатда имтиёзли кредит олган овулдошларимизга топширилади.

Намунавий лойиҳалар асосида тажриба тариқасида бунёд этилган қишлоқлардан яна бири Қўнғиротда қуриляпти. Ҳақиқий қурилиш майдонига айлантирилган бу массив "Гулистон" шаҳарча фуқаролар йиғини тасарруфида. Турар-жойлар, маданий-манший объектлар барпо қилиниши учун 75 гектар ер майдони ажратилган. Амалдаги йилда 20 та турар-жойларни қуриш бошланган эди. Шундан 2 таси фойдаланишга топшириш арасида. 9 та иморатларда ҳам қурилиш-монтаж ишлари жадал суръатларда бормоқда.

— Узоқни қўлаб фаолият олиб бораёмиз, — дейди "Қишлоққурилишбанк" инжиниринг компанияси таркибидagi "Аржанқурилиш" ихтисослаштирилган пудратчи корхона бошлиғи Жанқул Жобборбергенов. — Жамоамиз намунавий лойиҳа асосида бунёд қилинаётган 20 та турар-жойларнинг охиригисини Баркамол авлод йиғининг Наврўз байрамга қадар фойдаланишга топширади. Бу массивда келаси йил 25 та, беш йил мобайнида эса 305 та барча қулайликларга эга бўлган турар-жойлар, маданий-манший хизмат шохобчалари қурилиб, фойдаланишга топширилади. Айни пайтда об-хаво нуқуллайликларига қарамадан 120 нафар бинокор ва 20 та кудратли техникалар иморатлар қурилишида фаол қатнашмоқда.

Абдурахмон ИСКАНДАРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Навоий Вилояти

Қишда ҳам сарқил маҳсулотлар

Юртимизда инсон омилига эътибор ва ғамхўрлик кун сайин ошаётди. Хусусан, одамлар соғлиғини мустаҳкамлаш ва эл дастурхонини тўқин этиш йўлида амалга оширилаётган ишларнинг чеки йўқ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2009-2010 йил қиш-баҳор мавсуми учун мева-сабзавот маҳсулотларининг захирасини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш борасида Навоий шаҳрида ҳам ҳар йилгидан кўпроқ сай-ҳаракатлар қилинмоқда.

Масалан, мазкур шаҳарда фаолият кўрсатаётган "Қизилқумцемент", "Навоийазот", Навоий кон-металлургия компанияси каби гигант корхона ва ташкилотлар озиқ-овқат маҳсулотлари захирасини белгиланган режадан бир неча ҳисса ортиси билан ғамлаб қўйишди. Қарор шарофати билан асосий турдаги қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини жамғариш ва уларни узуқлиқ равишда шаҳар аҳолисига етказиб бериш мақсадида вилоятдаги мева-сабзавот етиштирувчи юздан зиёд фермер ҳўжалиқлари билан мақсадли шартномалар тузилганди. Истиқболли шартномалар тўғрисида захира оморларига қароқча, сабзи, лиёз, қарам, дуқакли дон ва гуруч ҳамда мева-чевалар 6539 тонна этиб жамғарилиди. Бу — белгилангандан анча кўп дегани.

Айни пайтда бозорларни арзонлаштиришга сидқидилдан хизмат қилаётган "Саховат" акциядорлик жамиятига қаршили савдо-ҳарид корхоналари оморларига сарқил маҳсулотлар жамғариш давом этаётди.

Бахриддин САДРИДИНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Таъминот



ҳасида иш олиб боришди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози кечётган бир пайтда Ўзбекистонда жадал иқтисодий юксалиш уларни хайратга солди. Хитой нефть ва газ саноати корпорацияси ҳамкорлиқдаги фаолиятдан маннулигини изҳор этиб, бизни Хитойга тақлиф этди. Бир неча кун мобайнида Хитойнинг Пекин, Шанхай, Тянь шаҳарларига бўлиб қайтди.

Ҳа, юртимизда муस्ताқилликнинг илк қунариданок нефть ва газ саноати раванқига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Қолаверса, дунёдаги ривожланган давлатлар билан яқин ҳамкорлик, оқилона ва одилона ижтимоий-иқтисодий сўбат соҳида утуқларга эришишда муҳим омили бўлаётди.

Хусан ТЕМИРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Муродулло КОМИЛОВ олган суратлар.

Ўзбекистон-Туркменистон:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Мамлакатларимиз ҳамкорлигида қишлоқ ҳўжалиги ҳам устувор соҳалардан ҳисобланади. Ўзбекистондан Туркменистонга пахта териш машиналари, тракторлар, прицеплар, минерал ўғитлар етказиб бериш ҳажмини ошириш ҳам икки томон учун фойдалидир. Гурбангули Бердимухамедовнинг 2008 йилдаги Ўзбекистонга ташрифи чоғида агросаноат мажмуи соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланган эди.

Дунёда энг сердаромад соҳалардан бирига айланган бораётган сайёҳлик ҳамкорлигининг яна бир устувор йўналишидир. Бу борадаги ҳамкорлик икки томонлама сайёҳлар алмашувини ривожлантиришга, халқ хўнарамдиги бўлимуларини тайёрловчи усталарнинг меҳнатини рағбатлантириш ва даромадини оширишга, сайёҳлар жалб қилишга, қўшма лойиҳаларни амалга оширишга хизмат қилади. Бошқача айтганда, Ўзбекистонга келган сайёҳ Туркменистон, Туркменистонга келган сайёҳ Ўзбекистон орқали қайтиб кетиши йўлга қўйиш мумкин. Шу тарихда миллий авиакомпанияларнинг ҳамкорлигини кенгайтириш учун ҳам яқин замин ҳозирланади.

Ўзбекистон Туркменистонга хизматлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, механик ускуналар, транспорт воситалари, шинша ва қора металл ҳамда улардан тайёрланган буюмлар, оптик асбоблар, кимё маҳсулотларини экспорт қилади. Туркменистондан Ўзбекистонга пластмасса ва ундан тайёрланган буюмлар, хизматлар, минерал моддалар, ноорганик кимё маҳсулотлари импорт қилинади. Албатта, икки томонлама савдодаги товар-

лар рўйхати бундан анча катта. Сўнгги икки йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми икки баробардан зиёд ошди.

Фойдаланилаётган имкониятларни ишга солиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, ҳамкорлиқнинг янги йўналишларини очиб ва ривожлантириш Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича ҳўкуматлараро қўшма комиссия зиммасига юқланган. Сўнгги йилларда Президентлар ташаббуси билан ушбу комиссия мунтазам равишда мажлислар ўтказиб келмоқда. Тошкентда ва Ашхободда икки мамлакатнинг миллий кўргазмалари ташкил қилинди.

Музокарада гуманитар ҳамкорлик масалалари ҳам кўриб чиқилди. Албатта, бу йўналишдаги алоқаларни ривожлантиришда халқларимиз ўртасидаги маънавий яқинлик, анъанавий дўстлик ришталари муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон ва Туркменистоннинг маданият ва санъат намоёндалари икки мамлакатда ташкил этиладиган фестивал, кўргазма ва форумларда мунтазам иштирок этиб келадилар. Хусусан, туркменистонлик санъаткорлар Самарқандда ўтказилган "Шарқ тароналари" халқаро мусика фестивалининг доимий иштирокчиларидир.

Музокарада яқинда Президентлар Ўзбекистон-Туркменистон қўшма баёноти ҳамда фуқароларнинг ўзаро қатновлари ва чегарабўйи ҳудудларда истиқомат қилувчи фуқаролар учун энгиллаштирилган тартиб тўғрисидаги ҳўкуматлараро битимга ўзгаришриш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги протоколга имзо чекдилар. Шунингдек, икки мамлакат ўрта-

сида Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Туркменистон қўшма комиссияси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисидаги ҳўкуматлараро битим, ташкил сўбат маҳкамалари ўртасида 2010-2011 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ислому Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов музокаралар очиб, ўзаро ишонч ва ҳўрмат руҳида, ишчан қайфиятда ўтганини, эришилган келишувлар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларини янада ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидладилар. — Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги муносабатлар барча соҳаларда изчил ривожланимоқда, — деди Ислому Каримов. — Сўнгги йилларда айниқса иқтисодий ҳамкорлик қўлини кенгайтирмоқда. Кейинги икки йил давомида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми икки баробардан зиёд юксалгани бунинг ёрқин тасдиғидир.

— Биз Ўзбекистон билан муносабатларини юксак қадраймиз, мамлакатларимизнинг ҳамкорлиги ҳам миллий тараққиёт, ҳам минтақавий ва халқаро ривожланиш таъминидир, — деди Гурбангули Бердимухамедов.

Ташрифининг иккинчи куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислому Каримов Туркменистонда Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов, Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао ва Қозғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев билан бирга тўрт мамлакат ҳудудидан ўтувчи

халқаро газ қувурини фойдаланишга топшириш маросимида иштирок этди.

Бу йирик лойиҳа Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги муносабатлар кўп томонлама ҳамкорлик доирасида ҳам изчил ривожланиб бораётганини яна бир ёрқин тасдиғидир.

Ашхобод сафари асносида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислому Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао билан учрашди.

Музокарада икки томонлама муносабатлар 2005 йилда имзоланган Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартнома руҳида ривожланиб бораётгани қайд этилди.

— Биз Хитой раҳбари билан ҳар бир учрашувни ҳамда ушбу мамлакат билан ривожланиб бораётган ҳамкорлик алоқаларини юксак қадраймиз, — деди Ислому Каримов. — Ўзбекистон Хитойни ўзининг энг яқин ва ишончли ҳамкорларидан бири, деб билади.

— Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг жорий йил июнь ойида бўлган Екатеринбург саммити доирасида ўтказилган учрашувимиз гўят самарали бўлди, — деди Ху Цзиньтао. — Ўзаро ҳамкорлик борасида мамлакатларимиз сўнгги ярим йил давомида катта утуқларга эришди.

Ислому Каримов ва Ху Цзиньтао Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик билан боғлиқ ҳамда ўзларини қизқирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Ўзбекистон Президентининг Туркменистонга расмий ташрифи ҳар жиҳатдан самарали бўлиб, ўзаро ҳамкорлиқни янги босқичга олиб чиқиши шўбҳасиздир. Ислому Каримовнинг ташрифи Туркменистон оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди.

Анвар БОБОЕВ, Ўза махсус мухбири.

Тошкент-Ашхобод-Туркменистон Тошкент.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 14 декабрь куни набатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда оммавий ахборот воситалари, ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳўқуқлари бўйича бюросининг сайловларни баҳолаш бўйича комиссияси вакиллари иштирок этди.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисидаги қонуннинг 6-моддасига мувофиқ, сайловга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек сайлов кун овоз бериш хоналаридан ва овозларни санаб чиқишда депутатликка номзодлар кўрсатган сийёсий партиялардан биттадан кузатувчи, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатув-

чилар қатнашиш ҳўқуқига эгадирлар. Шу муносабат билан мажлисда бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда қатнашувчи кузатувчилар рўйхатга олиниди. Бўлажақ сайловда халқаро кузатувчи сифатида иштирок этиш учун чет давлатлар ва халқаро ташкилотлардан 250 дан ортқ вақил рўйхатга олиниди.

Мажлисда сайлов қонунчилигининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларга, сийёсий

партияларга сайловолди ташвиқоти-ни амалга ошириш учун тенг шарт-шароит яратишга оид талабларига риёя қилиш тўғрисидаги масала му-ҳокама қилинди. Бу жараён "Ўзбеки-стон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида"ги Қонун ва Мар-казий сайлов комиссиясининг теги-ши мейёрий-ҳўқуқий ҳўжатларига биноан тартибга солинади. Ушбу ма-сала юзасидан ҳам Марказий сайлов комиссиясининг тегишли қарори қабул қилинди.

Мажлисда Марказий сайлов ко-миссиясининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқил-ди ва улар бўйича тегишли қарор-лар қабул қилинди.

(Ўза)

Самарқанд Вилояти

Янги йилни янги уйларида кутишади

Пахтачи туманида замонавий уйларида иборат Зиёвуддин қўргони бунёд этилмоқда.

Бу ерда Янги йил байрамига кичик оилалар учун 4 та 3 хонали, катта оилалар учун 16 та 4 хонали уй фойдаланишга топширилади.

Бунёдкорлик ишларида қўшни Нарпай, Хатирчи туманлари, шунингдек навоийлик қурувчилар ҳам самарали меҳнат қилмоқда. Келаси йили қўриқилган қўргонда яна шундай 34 та турар-жой биноси қад ростлайди.

СУРАТДА: (чапдан) Нарпайдаги "Озодбек" хўсу-сий корхонаси раҳбари Баҳодир Орзиқулов, "Обо-дон Ферузбек" хўсусий қурилиш корхонасининг бош муҳандиси А.Жабборов ва қурилиш иш юритувчиси К.Хусанов.

Тоҳир НОРҚУЛОВ (Ўза) олган сурат.



Қашқадарё Вилояти

Корхона ҳўзалисига қадам қўйиши билан бу ердаги орасалик, саранжом-саринталикни кўриб баҳри-дилнинг очилади. Замонавий қурилиш материаллари билан сайқал берилган маъмурий бино, янгидан барпо этилган айвон ва ундаги сўриларда сўхбатлашиб турган ёшлар чехрасидаги мамнулик фикримизнинг тасдиғи бўла олади.

— Қаерда озодлик бўлса, уша ерда кўт-барақа бўлади, — дейди шўбба корхона раҳбари Хошим Жалилов. — Мамлакатимиз иқтисодиёти тараққиётида ҳиссамиз борлигидан фарҳанамиз. Корхонамиз қишлоқ ҳудудида жойлаш-ган бўлса-да, шароитлар шаҳардан кам эмас.



(Ўза)

Қашқадарё Вилояти

ИШ САМАРАСИДАН ҲАР ИККИ ТОМОН БИРДЕК МАНФААТДОР

Муборак техник таъмирлаш ҳамда бутлаш шўбба корхонаси Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилини муваффақиятли яқунлаб, янги йилга юксак мақсадлар билан қадам қўйишни кўзламоқда.

— Бу ерда ўн йилдан бунён меҳнат қилган, — дейди таъминотчи муҳандис Уткир Жўраев. — Умумий ишлашимиз учун барча шарт-шароитлар яратилган. Истик-лол тўғрисида соҳамизда катта им-кониятлар юзага келди.

— Уткир дилдаги гапларни ай-тапти, — дея сўхбатни қўри олди-ри унинг ҳаммаси Мухтор Тур-диев. — 15 йилдан бунён шу корхо-

нада ишлаб кам бўлмадик. Замона-вий охинона, ёзда салқин, қишда иссиқ хоналар бизнинг хизмати-мизда. Ишга келиб-кетишимиз учун автобус қатнови йўлга қўйилган. Ювенили хонаси, дам олиш маскани меҳнат унмдорли-гини янада оширмоқда. Маънави-ят, — дея сўхбатни қўри олди-ри унинг ҳаммаси Мухтор Тур-диев. — 15 йилдан бунён шу корхо-

нада ишлаб кам бўлмадик. Замона-вий охинона, ёзда салқин, қишда иссиқ хоналар бизнинг хизмати-мизда. Ишга келиб-кетишимиз учун автобус қатнови йўлга қўйилган. Ювенили хонаси, дам олиш маскани меҳнат унмдорли-гини янада оширмоқда. Маънави-ят, — дея сўхбатни қўри олди-ри унинг ҳаммаси Мухтор Тур-диев. — 15 йилдан бунён шу корхо-

нада ишлаб кам бўлмадик. Замона-вий охинона, ёзда салқин, қишда иссиқ хоналар бизнинг хизмати-мизда. Ишга келиб-кетишимиз учун автобус қатнови йўлга қўйилган. Ювенили хонаси, дам олиш маскани меҳнат унмдорли-гини янада оширмоқда. Маънави-ят, — дея сўхбатни қўри олди-ри унинг ҳаммаси Мухтор Тур-диев. — 15 йилдан бунён шу корхо-

нада ишлаб кам бўлмадик. Замона-вий охинона, ёзда салқин, қишда иссиқ хоналар бизнинг хизмати-мизда. Ишга келиб-кетишимиз учун автобус қатнови йўлга қўйилган. Ювенили хонаси, дам олиш маскани меҳнат унмдорли-гини янада оширмоқда. Маънави-ят, — дея сўхбатни қўри олди-ри унинг ҳаммаси Мухтор Тур-диев. — 15 йилдан бунён шу корхо-

нада ишлаб кам бўлмадик. Замона-вий охинона, ёзда салқин, қишда иссиқ хоналар бизнинг хизмати-мизда. Ишга келиб-кетишимиз учун автобус қатнови йўлга қўйилган. Ювенили хонаси, дам олиш маскани меҳнат унмдорли-гини янада оширмоқда. Маънави-ят, — дея сўхбатни қўри олди-ри унинг ҳаммаси Мухтор Тур-диев. — 15 йилдан бунён шу корхо-

нада ишлаб кам бўлмадик. Замона-вий охинона, ёзда салқин, қишда иссиқ хоналар бизнинг хизмати-мизда. Ишга келиб-кетишимиз учун автобус қатнови йўлга қўйилган. Ювенили хонаси, дам олиш маскани меҳнат унмдорли-гини янада оширмоқда. Маънави-ят, — дея сўхбатни қўри олди-ри унинг ҳаммаси Мухтор Тур-диев. — 15 йилдан бунён шу корхо-

нада ишлаб кам бўлмадик. Замона-вий охинона, ёзда салқин, қишда иссиқ хоналар бизнинг хизмати-мизда. Ишга келиб-кетишимиз учун автобус қатнови йўлга қўйилган. Ювенили хонаси, дам олиш маскани меҳнат унмдорли-гини янада оширмоқда. Маънави-ят, — дея сўхбатни қўри олди-ри унинг ҳаммаси Мухтор Тур-диев. — 15 йилдан бунён шу корхо-

нада ишлаб кам бўлмадик. Замона-вий охинона, ёзда салқин, қишда иссиқ хоналар бизнинг хизмати-мизда. Ишга келиб-кетишимиз учун автобус қатнови йўлга қўйилган. Ювенили хонаси, дам олиш маскани меҳнат унмдорли-гини янада оширмоқда. Маънави-ят, — дея сўхбатни қўри олди-ри унинг ҳаммаси Мухтор Тур-диев. — 15 йилдан бунён шу корхо-

Жиззах Вилояти

ДЕРИСТОН — ГЎЗАЛ БЎСТОН

Фориш туманининг Нурота тоғ тизмаси юксак қоялари ёнида жойлашган Деристон қишлоғи туман марказидан унча узоқ бўлмаса-да, илгарилари унга ёлғизоёқ тошлоқ йўлдан от ва эшакларда борилган. Кейинчалик арава ва юк машиналари юра бошлаган. Мустикачилигимиз шарофати билан Ватанимизда ишлаб чиқарилаётган "Нексия", "Дамас", "Матиз" каби машиналар кўпайтирилиши туфайли қишлоқ йўли кенгайтирилиб, эндиликда автомобиллар гизиллагани-гизиллагани.

«Деристон қишлоғининг асл номи қачонлардир Девистон бўлган», дейишди қишлоқ одамлари. Унда девлар, ёки девкомат одамлар яшаган. Буни бир неча юз йиллар бурун аждодларимизнинг юксак тоғдаги булоқ бўйидан топиб олган кетмонлари ҳам исботлаб турибди. Кетмон шу қадар катта бўлган эканки, дастаси харидан ясалган экан. Демак, биз девлар ва парилар авлодиданмиз, дейишди деристонликлар.

Бу анча оширилган қиёсидир, ананя ким билди. Аммо қишлоқ одамлари ростида ҳам девкомат, соғлом, бақувват.

— Бу тоғу тошлар узра кўриб турганимиздек, мўл ҳосилли боғлар ва тоқзорларни яратиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди, — дейди юксак чўққиди ёнимда турган Деристон қишлоқ врачлик пункти мудири Бозорбой Бекқулов, даралардаги барглари сийраклашиб қолган боғлар ва қишки тиним даври учун кўмиб қўйилган тоқзорларга ишора қилиб. — Аждодларимиз тоғ бағрини тилка-пора қилиб қўнчалар ўққизишган. Фарҳоднинг қояларни йўнган, тошларни тешган воқеасини эсланг-а. Бамисоли бизнинг қишлоқ одамлари сингари.

Мозий ҳақидаги ҳикоят ривоятми, ҳақиқатми, билмадим-у, лекин барибир қишлоғимиз Аллоҳ

нинг назари тушган қишлоқ. Қўллаб тоғли қишлоқларда чашма сувлари тоғнинг этак қисмидан, даралардан чиқса, бизнинг қишлоғимиз чашмаси энг баланд чўққини тешиб чиққан. Бу — Яратган эгамнинг қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлай, дегани бўлса керак. Унинг суви барча ҳовлига етиб борган. Ҳатто бизнинг ҚВПда ҳам жўмрақлардан чиқариб қўйганмиз.

Қишлоқ шифокори гўё тоғ устига биринчи бор чиқиб тургандай, чор-атрофга нигоҳ ташларкан, бўшлиқ ичра мароқли асар ўқибгандай қишлоғи ва унинг одамларини таърифлашда давом этади:

— Қишлоғимиз 120 хонадону 740 нафар аҳолидан иборат. Хар бир оиланинг 150-200 тупдан тоқи, шунчадан бўлмаса ҳам анча-мунча меваги боғи, қўллаб чорва моллари бор. Йилқичилик ҳам яхши ривожланган. Шу сабаб, қишлоғимизда чавандозлар кўп. Вилоятимиз ва қўшни вилоятларда бўладиган кўпқарилли тўйлар борки, уларда деристонлик чавандозларни учратмай қолмайси. Жўрабек ота Ўсканов, Бекқулов ота Худойқулов, Келдибек Мирзаевлар сингари от ишқибозлари ҳозирги кекса ёшида ҳам йилқи боқиб, кўнгил ҳовурларини бошишади.

Жўрабек ота ҳозир 85 ёшда. Гоҳ-гоҳида отини ёғарлаб, қишлоқ айланади. Тоғ сари жилво буриб,

бедовини чоптирганида биз, ёшлар юрак ҳовучлаб, қараб қоламиз. У бедови биқинларига нуқинганида, тўвқларидан чақмоқ чақнаб, чопади. Орадан ярим соат-бир соат ўтиб, тоғдан тулпорини яна шамолдай елдириб тушаркан, ҳам хавотир, ҳам ҳавас билан "Хайрият-ей!" деймиз. Ота эса дил ҳовурини босиб, ҳовлисига кириб кетади. Бундай воқеалар тез-тез бўлиб туради...

Бозорбой бирданги ҳикоясини тўхтатди. "Яна..." демокчи бўлиб, унга қараган эдим, чўққи пастидаги текислик томон ишора қилиб, деди:

— Хув анави тулқига қаранг-а!..

— У ўлик шекилли? — дедим тулқининг чўзилиб ётганини кўриб.


— Сиз кўрмадингиз, — деди Бозорбой. — У ҳозиргина бодомзор ичидан чиқиб келди-да, бирдангига ётган жойида "ўлди" қолди.

— Нимадан ўлдикин-а?..

— Менимча ўлмади у. Қандайдир қитмирликни ўйлади.

Дарҳақиқат шундай экан. Биз турган чўққи томондан бир қўнча исқалана-исқалана тулқининг ёнига бориб қолди. Аввалига бирдангига чўчиб, орта тисариди-ю, тулқининг қотиб ётишидан кўнгли таскин тоғди шекилли, унга яқин бориб, уни ҳидлай бошлади. Ваҳ, шу пайт!.. тулки "кўллари"ни қўвнинг бўйига қирмаштириди, томоғидан хиппа бўғиб, пастга елиб кетди.

— Оббо шум-ей! — деди Бозорбой. — Бу бодомзору ёнғоқзорлар Фориш ўрмон ҳўжалигига қарашли. Ҳўжалик ерларида, аниқроғи, тоғ-дараларда бодом, ёнғоқ, олма, ўрик, ёввойи писта, дўлана, олхўри сингари ўнлаб мевали дарахтлар ўсиб, хайванот ва паррандалар олами ҳам хилма-хил. Бу ҳам Аллоҳнинг иноят



Суратда: ҚВП мудири Бозорбой Бекқулов (чапдан) ҳамшира Малика Ўсканбова ва туман тиббиёт бирлашмаси бош врач ўринбосари Пўлат Маҳмудовлар.

ти-да!..

— Энди пастга тушайлик, — деди у. — Мана, тоққа чиқиб, ҳам қишлоғимизни томоша қилдингиз, ҳам ўрмон ҳўжалиги боғларини-ю, шум тулқининг қирдиқорини назардан ўтказдингиз. Қишлоғимиз зерикарли эмас-а?

— Йўқ, зерикарли эмас, аксинча мароқли экан, — дейман.

— Ҳа, шу сабаб қишлоғимиз аҳолисининг ўртача умри 70-80 ёшига борида. Ҳозирда ана шу атиги 120 хонадонда 52 нафар 70-72 ёшли, 10 нафар 72-85 ёшли қарияларимиз бор.

— Яхши экан! — дейман уни маъқуллаб. — Сизларга иш кам

бўлар экан.

— Иш кам бўлар экан дейсиз-да? Лекин аҳолининг ана шу саломатлигида жамоамиз ҳиссаси катта деб ўйлайман, — деди у. — Негаки, ҳар йили қишлоғимиз аҳолисини мукамал тиббий текширишдан ўтказамиз. Беморлиги аниқланган кишиларга муолажа тайинлаб, бошқаларга турли профилактик маслаҳатлар берамиз. Бу йил ҳам барчани тиббий назоратдан ўтказдик.

Биз ўз фаолиятимизда оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш ва соғлом оилани шакллантиришга алоҳида

этибор қаратяпмиз. Оилавий тиббий маданиятни юксалтириш ана шу мақсадимиз асосини ташкил этади.

ҚВПмиз замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан тўла жиҳозланган, дори-дармонларимиз етарли. Бу йил қишлоғимизда 22 жуфт келин-куёвлар тўйлари ўтказилди. Уларнинг барчасини тиббий кўриқдан ўтказиб, тўйларига қишлоқ оксоқоллари бошқор бўлди.

— Мен тажрибали шифокор Бозорбой Бекқулов ва унинг тиббиёт ҳамшираларидан беҳад миннатдорман, — дейди 87 ёшли Шакар момо Тинчиқова. — Юрак хуружи туфайли хасталаниб қолган эдим. Уларнинг тажрибакор ва билимдонликлари, меҳрибонликлари туфайли вақтида даволандим. Ҳозир ҳам ҳар кун-кунора келиб, аҳолининг текширишида, тегишли маслаҳат ва муолажалар беришади.

— Юртбошимизнинг тоғу тошлар орасидаги чекка қишлоқда шундай мухташам саломатлик кўргонини бунёд эттириб, зарур замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан таъминлаб қўйгани туфайли бизнинг кўлларимиз енгил бўлмоқда, — дейди ҚВП мудири Бозорбой Бекқулов.

— Ҳа, ҳа, тўғри айтасиз! — деди унинг гапини бўлиб қишлоқ оксоқолларидан бири Тошпўлат Эшмуродов. — Юртбошимизнинг "хашаматли, қўркам ва кўнга чидамли уйлар қурилсин, уларда ҳозирги ва келгуси авлодларимиз бой-бадавлат яшашсин" деган кўрсатмалари шарофати билан қишлоғимизнинг кўпгина пастак, томи лойсувоқ уйлари баланд, хушхаво ва томи шиферланган уйлари айлантдирилди. Шифохонамиз эса қишлоғимизга гўёки олтин узукка ёқут кўз қўйгандай ярашқили.

Кейинги йилларда тоғ бағридаги қишлоғимизда қишлоғимизга бир неча замонавий сервис хизмати кириб келганига, хусусий тадбиркорликнинг ривожланаётгани фаворонлигимизни эшитмоқда.

Келдиёр Жўрақулов, "Qishloq hayoti" мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

Амударё туманида 30 минг нафардан зиёд-роқ ўқувчи таълим-тарбия оладиган 87 та умумтаълим мактаблари ҳар хил босқичдаги таъмирдан чиқарилиши, реконструкция қилиниши, ўқув кабинетлари, махсус хоналар замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

БАРКАМОЛ АВЛОД УЧУН ЁРҚИН КЕЛАЖАК

— Ўқув масканимизда кузги-қишки мавсумга пухта ҳозирлик қўрилди, — дейди 5-ўрта мактаб директори Шўҳрат Жуманиёзов. — Газ иситиш тизимлари, қозонхона мавсумга тахт қилинди. Натижада барча синф хоналар иссиқ, ёруғ. Уғил-қизларимизга етарлилик қулайликлар яратилди.

Тумандаги табиий газ билан уланмаган мактабларнинг меъёрида иссиқ бўлиши учун зарур тараддул қўрилди. Жумладан, 404 тонна кўмир, 118,6 тонна суюқ ёнилғи гамаланди. Шунингдек, 48 та мактабгача таълим муассасаларида мавсумга пухта тайёрликлар қўрилди.

Абдурахмон ИСКАНДАРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Ота-онадан фарзанда қоладиган энг муносиб мерос юксак ахлоқ ва гўзал тарбиядир. Шу бондан барча даврларда тарбияга ҳаёт-мамот, умумбашарий ва умумий мақсадли масала сифатида ёндашилган.

Ёшларни тарбиялаш ҳар биримизнинг бурчимиз

Абдулла Авлоний "Тарбияни қимлар қилур? Қайда қилур?" деган саволга "Биринчи — уй тарбияси. Бу вазифа она зиммасидадур. Иккинчи — мактаб ва мадраса тарбияси. Ота, муаллим, мудarris ва ҳукумат вазифасидур", деб жавоб берган эди. Юртнинг қўрғонлари мустақкам, фарзандлари баркамол ва соғлом бўлиши учун ота-оналар ҳушёр, маҳалла-қўй оғоҳ, жамият эса масъул бўлмоғи лозим.

Давлатимиз раҳбари мустақилликнинг илк кунларида-ноқ "Менинг энг катта ишончим, мадад, таянчим бу ўсиб келаётган ёшлардир", ёшларга дея алоҳида эътибор кўрсатган эдилар. Мазкур эътибор самарасини мамлакатимизда ёшларга яратилган шарт-шароит ва имкониятлар мисолида кузатишимиз мумкин. Ёшларимиз мавжуд имконият ва имтиёزلардан унумли фойдаланиб, ҳаётда ва жамиятда муносиб ўрин эгалламоқда-лар. Президентимиз ташаббуси билан 2000 йил "Соғлом авлод йили", 2008 йил "Ёшлар йили" ва кириб келаётган 2010 йил "Баркамол авлод йили" дея эълон қилинган ҳам фикримизни далиллади. "Ёшлар йили" Давлат дастурида ёш авлод қамолоти билан боғлиқ қатор муҳим чора-тадбирлар белгиланиб, жумладан, "Гийҳандликка — қаршимиз, соғлом турмуш тарзи — тарafdоримиз!" мавзусида ёшлар фестиваллари, интернетда соғлом турмуш тарзи, гигиена, гийҳандлик ва унинг оқибатлари мавзуларида ва бошқа тезкор ахборотлар бериб бориладиган махсус сайт, "ОИТСга қарши кураш қўни"га бағишланган тадбирлар мажмуи ташкил этиш режалаштирилган ва ижроси таъминланган эди. Юртбошимизнинг 2009 йил 9 декабрдаги "Баркамол авлод йили" Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармойишида ҳам йигит-қизларни ҳар томонлама баркамол шахслар этиб шакллантириш борасидаги кенг қўламли чора-тадбирлар белгилаб берилди. Бундан кўриниб турибдики, мамлакатимизда ёш авлоднинг баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши учун барча шароитлар яратилмоқда. Бундан мақсад аждодлардан мерос пойдевори мустаҳкам, тинчлиқ, ободлик, оқилоллик, осойишталиги барқарор заминни ишончли қўлларга топширишидир. Эртага бу шарафли, залворли ва масъулиятли вазифани удаллаш ёшларимиз қўлида бўлади.

Улугбек СОБИРОВ, ҳуқуқшунос.

арзон нарҳда сотиляпти. Бу янги йилнинг 1 мартгача давом этади.

Арафадаги 2010 йилда жамоа олдиди юксак вазифалар турибди. Хитойдан 300 тонна сабзавот, полиз маҳсулотлари сакланадиган совуқчи олинди. Бу билан йил давомида маҳсулот мўл-кўлиги таъминланади. Бундан ташқари, тумандаги қишлоқларда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари билан савдо қилувчи 12 та дўкон қурилиб ишга туширилади. Натижада янгидан 35-40 киши ижтимоий фойдали меҳнатга тортилади. Шунингдек, МЧЖ жамоаси ноз-неъматларимизни хорижа экспорт қилиши ҳам йўлга қўйди. Янги йилда 50 минг АҚШ доллари миқдорда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари чет элга жўнатилса, 2015 йилда бу рақам 4,5-5 бараварга ортиши кутилмоқда.

Хусан ТЕМИРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Муродулла КОМИЛОВ олган суратлар.

ҲАҚИҚАТИ БИР ШИНГИЛ

ҚАДИМИЙ АШЁЛАР ҚОҲИРАГА ҚАЙТМОҚДА

Франция ҳукумати 1980 йилда Мисрдаги Луксор водийсидан ўғриланиб, ноқонуний тарзда мамлакатдан олиб чиқиб кетилган бебаҳо тарихий ашёларни Қоҳира давлат тарих музейига қайтарилишини расмий тарзда маълум қилди.

Бу ашёлар, яъни қадимий деворнинг бешта бўлаги Мисрнинг фиравнлар ҳуқронлиги даврига оид тарихий ашё сифатида жуда қадри қимбат бўлиб, уларни 2000-2003 йилларда Паркидаги Лувр музейи номаълум шахслардан воситачилар орқали катта маблағга сотиб олганди. Жорий йилнинг октябрь ойида Франция маданият вазирлиги бебаҳо экспонатларни ўз ватанига қайтаришга қарор қилгани расман маълум қилинганди. Бу қарор аслида мисрлик расмийларнинг тарихий ашёлар Мисрда қайтарилмаган тақдирда, Лувр музейи билан маданий алоқани буткул тўхтатиш ҳақидаги тақдиди натижасидир.

ҚАЛБАКИ ДОРИ-ДАРМОН УЧУН РОСТМАНА ЖАЗО

Кейинги бир неча йил мобайнида Нигерияга катта миқдорда қалбаки дори-дармонлар келтириш ва сотиш билан шуғулланиб келган олти нафар Хитой фуқароси энг олий жазога маҳкум этилди. Бу ҳақда Хитой савдо вазирлигидан олинган маълумотларга асосланган ҳолда The Times Of India нашри хабар бермоқда.

Жорий йилнинг июнь ойида Нигерияда мамлакатга кириб келувчи озиқ-овқат ва дори-дармон воситалари сифатини назорат қилиш хизмати томонидан уюштирилган махсус рейдлар чоғида терлама касаллигига қарши жуда катта миқдордаги дори воситалари қалбакиликда гумон қилиниб, назоратга олинди. Таҳлиллардан сўнг умумий қиймати 210 минг АҚШ доллари тенг бу дори воситаларининг ниндан ҳам қалбаки экани маълум бўлди. Қалбаки дориларни келтирган шахсларнинг исми шарифи маълум бўлмаса-да, уларнинг хитойлик экани аниқ эди. Бу ҳақда Хитойнинг тегишли маъмуруларига мурожаат қилинди. Қизиғи шундаки, дори воситаларида уларнинг Хиндистонда ишлаб чиқарилгани қайд этилганди. Хитойликлар бу масалага ойдинлик киритиш учун Хиндистон маъмуруларини ҳамкорликка қорлади-лар. Суриштирув ва таҳлиллардан аён бўлдики, бир гуруҳ хитойликлар кейинги бир неча йил давомида Хиндистонда жойлашган маълум савдо компаниялари орқали қалбаки дори-дармон воситаларини Нигерияга экспорт қилиш билан шуғулланиб келган. Қалбаки дорилар шунингдек, ЖАР, Гана, Кот-д'Ивуар каби Африка давлатларига ҳам етказиб турилган.

Хитой ҳуқуқ-тартибот хизмати ходимлари қалбаки дорилар контрабандаси билан шуғулланган олти нафар шахсни аниқлагани ва ҳибсга олган. Уларга нисбатан мамлакат қонунчилигида назарда тутилган жазо чораси белгиланган.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

БУНЁДКОРЛИК ҚўЛАМИ ОРТДИ

Қурилиш ашёлари ишлаб чиқариш ҳам шунга яраша кенгаймоқда

Бухоро шаҳрида фаолият кўрсатаётган "Худойбердиев Абдуқодир" хусусий корхонасида ишлаб чиқарилаётган қурилиш маҳсулотларига маҳаллий тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли талаби кун сайин ортиб бормоқда. Бундан роппа-роса бир йил олдин иш бошлаган корхонада асосан йўлак ва пордозлаш ишларида асқотадиган турли кўриниш ва шаклдаги 20 турдан ортқ плиталар ишлаб чиқарилади.



Хориждан сотиб олинган замонавий технология асосида ишлайдиган мазкур корхонада ҳозирги кунда 15 киши иш билан таъминланган. Бу ерда кунига 100-150 куб ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқарилимоқда.

— Корхонамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар алоҳида технологик жараёнда ишлов бериш орқали совуқ ва иссиқликка ўта чидамли ҳолга келтирилади. Уларга 10 йил муддатга қафолат берамиз. Шу сабабдан маҳсулотларимизга талаб катта. Насиб этса, келгуси йил апрель ойида яна бир янги цех фаолиятини йўлга қўйишни режалаштиряпмиз. Шунда маҳсулот ҳажми ҳам, янги иш ўринлари сони ҳам икки ҳисса ортади, — дейди биз билан сўхбатда корхона раҳбари Абдуқодир Худойбердиев.

СУРАТДА: корхонанинг илгор устаси Марат Жониев: «Кўринг, хусусий корхонамизда ишлаб чиқарилган!»

Ҳамроз АЛИ, "Qishloq hayoti" мухбири.

ИЧКИ ВА ТАШҚИ БОЗОРГА

Президентимизнинг "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш соҳасида вилоятнинг "Косонмева-сабзавот-тайёрловсавдо" МЧЖда ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Жамиятнинг асосий мақсади етиштирилган маҳсулотларнинг нобуд бўлишига йўл қўймастик, ички бозорни тўлдириш, нархлар барқарорлигини таъминлаш, дехқон-фермер ҳўжалиқларида етиштирилган маҳсулотларни саклаш ва экспорт қилишдан иборатдир.



2009-2010 йилги қиш-баҳор мавсуми учун асосий турдаги қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини захирага гамалаш ишлари асосий эътибор қаратилди. МЧЖ ихтиёридаги минг тонна мева-сабзавот сақлашга мўлжалланган омбор мавсумга сифатли ҳозирланди.

— Халқ банкидан 14 фойзга 50 миллион сўм кредит олиб иш бошладик, — дейди МЧЖ раиси Бахриддин Бафоев. — Туман фермер ҳўжалиқлари ва аҳоли билан мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари учун шартномалар тузилди. Натижа кутилганидан ҳам зиёда бўлди. Қисқа вақт ичида 325 тонна пивёз, 150 тонна картошка, 100 тоннага яқин ошқоқ, 30 тонна мева жамғарилди. Шунингдек, 35 тонна хурмо, 10 тонна анор, 30 тонна гуруч, 21 тонна дуққали маҳсулотлар тайёрланди.

Туманимиздаги 164 та фермер ҳўжалигидан 1340 тонна сабзавот, 2300 тонна ўрнига 2389 тонна полиз маҳсулотлари жамғарилди. Айни пайтда "Косон" дехқон бозоридаги махсус павильонимизда сабзавот, мева маҳсулотлари бозордагидан 10 фойз

бу рақам 4,5-5 бараварга ортиши кутилмоқда.

Хусан ТЕМИРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Муродулла КОМИЛОВ олган суратлар.

"Ёнги хавфсизлиги ойлиги" давом этмокда

ҲАР МАВСУМДА ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига асосан мамлакатимизда 23 ноябрдан 23 декабргача "Ёнги хавфсизлиги ойлиги" ўтказилмокда.

Ушбу тадбирнинг айнан куз фасли охири, қиш фасли бошларида ўтказилиши беҳиз эмас. Сир эмаски, бу даврга келиб об-ҳаво ҳароратининг кескин пасайиши муносабати билан фуқароларнинг иситиш мосламаларини ишлатишга бўлган эҳтиёжи бирмунча ортади, шунинг баробарида эса носоз ва хавфсизлиги кафолатланмаган мосламалардан, ҳатто қўлбола ясалган ускуналардан фойдаланиш ҳоллари кузатилади.

Ўтказилаётган таҳлиллар шуни кўрсатмокдаки, содир бўлган ёнги хавфсизлиги аксарият қисми шахсий турар-жойларда юз бермокда. Ёнги хавфсизлиги, газ ҳамда электр ускуналарининг носозлиги, фуқароларимиз томонидан улардан фойдаланишда ёнги хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик, қолаверса, оловдан

эҳтиётсизлик билан фойдаланиш ва энг ачинарлиси, ёш болаларнинг ўт билан ўйнашлари оқибатида содир бўлмокда.

Масалан, Қибрай туманидаги Маданият қишлоғида яшовчи С.Мусабоевнинг хонадонидан электр симларининг қисқа туташуви оқибатида ёнги хавфсизлиги кафолатланмаган мосламалардан, ҳатто қўлбола ясалган ускуналардан фойдаланиш ҳоллари кузатилади.

Ўшунинг билан бир қаторда, ёнги хавфсизлиги кафолатланмаган мосламалардан, ҳатто қўлбола ясалган ускуналардан фойдаланиш ҳоллари кузатилади. Ўшунинг билан бир қаторда, ёнги хавфсизлиги кафолатланмаган мосламалардан, ҳатто қўлбола ясалган ускуналардан фойдаланиш ҳоллари кузатилади.



дондаги уй жиҳозлари ёниб кетди.

Юқори Чирчиқ туманининг Янгибозор қўрғонидан яшовчи Н.Низомов хонадонидан ёнги хавфсизлиги кафолатланмаган мосламалардан, ҳатто қўлбола ясалган ускуналардан фойдаланиш ҳоллари кузатилади.

ва Бекобод шаҳарларидаги кабель телевидениелари орқали мунтазам равишда роликлар намойиш этиб берилмокда.

Бу борадаги тушунтириш ишларини ташкил этишда, айниқса, болалар ва ўсмирлар билан кўпроқ шуғулланиш лозим. Шу боис, ёнги хавфсизлиги хизмати ходимлари тез-тез мактабларда, лицей ва коллежларда, ҳаттоки, мактабгача тарбия муассасаларида бўлиб, болалар ва ўсмир ёшларга ёнги хавфсизлиги борасида ҳаёт учун муҳим бўлган қоидаларни ўргатишмокда.

Шунингдек, ёнги рўй берган ҳолатда қўланиладиган бирламчи ўт ўчириш воситалари, замонавий ўт ўчириш анжомларидан фойдаланиш тартиблари тушунтирилмокда.

Бундан ташқари, ёнги хавфсизлиги кафолатланмаган мосламалардан, ҳатто қўлбола ясалган ускуналардан фойдаланиш ҳоллари кузатилади.



СПОРТ

КАБАЕВ ШОГИРДЛАРИ ГУРУХДА БИРИНЧИ

Марат Кабаев башчилигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси (U-19) Осиё чемпионати саралаш босқичи доирасидаги сўнги учрашувини ўтказди.

Мезбонлар — Эрон терма жамоасига қарши кечган ушбу учрашувда вакилларимиз биринчи бўлиб ҳисобни очиди. Сардор Рашидов 12-дақиқада Эрон терма жамоаси дарвозасига киритилган гол муаллифи бўлди. Уйин давомида терма жамоамиз аъзоларида ҳисоби йириклаштириш учун бир неча бор имкониятлар бўлди. Аммо футболчиларимиз кулай вазиятлардан унмўли фойдалана олмади. 70-дақиқада эса мезбонлар вакили Имон Шерозий жавоб тўпини киритди ва 1:1 ҳисоби уйин сўнгигиқа қадар ўзгармай қолди. Гуруҳда Ўзбекистон биринчи, Эрон эса иккинчи ўринни кўлга киритиб, Осиё чемпионати финал йўлланмасини кўлга киритди.



	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
Ўзбекистон	2	1	1	0	6-1	4
Эрон	2	1	1	0	5-1	4
Покистон	2	0	0	2	0-9	0

ТАЙБОКСЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Таиландда бўлиб ўтган муайтай бўйича жаҳон чемпионатида ўзбекистонлик спортчилар катта муваффақиятга эришди.

86 мамлакат вакиллари иштирок этган мазкур мусобақада спортчиларимиз жами 8 та медални кўлга киритган ҳолда умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллашди. Ҳисобимиздаги иккинчи олтин медални Абдулла Худойберганов (60 кг.) ва Жобир

Тошпўлатов (91 кг.) кўлга киритди. Фулом Халилов (48 кг.), Жавлон Назаров (86 кг.), Шаҳоб Азимов (76 кг.) кумуш, Дамир Хамидов (67 кг.), Хусниддин Махмудов (71 кг.) ҳамда Юсуф Ибрагимов (91 кг.) эса бронза медалларига сазовор бўлишди.

ЖОНСОН ВИТАЛИЙ КЛИЧКОГА ҚАРШИ 12 РАУНД КУРАШГАН ИККИНЧИ БОКСЧИ БЎЛДИ

Швейцариянинг Берн шаҳрида суперолмп вази тоифасида WBC камари соҳиби Виталий Кличко ҳамда даъвогар — Кевин Жонсон ўртасида чемпионлик жанги бўлиб ўтди.



Мутахассислар жанг олдида Кличко жангнинг мўддатидан аввал яқунлашини, яъни нокаут билан галаба қозонишини тахмин қилишган эди. Аммо жанг тўлиқ — 12 раунд давом этди ва очколар ҳисоби бўйича Кличконинг галабаси билан яқунланди. Кевин Жонсон Виталий Кличкога қарши 12 раунд тўлиқ жанг қилган иккинчи боксчи бўлди. Бунгача бу натижага германиялик боксчи Тимо Хоффман эришган. Украиналик "панчер" Виталий Кличко жами 39 та жанг ўтказган бўлса, шунинг 37 таси нокаут билан яқунланган.

Азиз НУРУЛЛАЕВ

ТАШКИЛОТ СОТАДИ Volkswagen PASSAT
2009 йил ишлаб чиқарилган

Тел.: (+99871) 140-00-62, (+99890) 317-67-97

discover Opel
Ташкилот сотади БАРЧА МОДЕЛЛАР МАВЖУД

Тел.: (+998 90) 325-88-87, 178-75-77 e-mail: opel@sanar.uz

Тошкент ш. С.Раҳимов т. хонадонидан рўйхатга олинган "FAYZULLA ZIYOD SAVDO" масъулияти чекланган жамияти Тошкент ш. С.Раҳимов т. хонадонидан рўйхатга олинган "KOTZBU TOSHI" хусусий корхонаси билан бирлаштириш маълум қилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган "BDS LEASING" Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонасининг Устав фонди 724 847,79 АКШ долларидан 660 810,91 АКШ долларига камайтирилгани маълум қилади.

Тошкент ш. Янгиқорғон т. хонадонидан рўйхатга олинган "START-MEDIUM" МЧЖнинг думалок муҳри йўқлигини сабабли бекор қилинди.

Тошкент ш. Чилонзор т. БТИСИ томонидан Чилонзор 19-мавзе 39-уй 69-хонадон манзилда яшовчи Асадуллаев Алишер Шаропович номда берилган уй-пан хужжатлари йўқлигини сабабли бекор қилинди.

Тошкент ш. Сергели т. хонадонидан рўйхатга олинган яқин тартидаги тадбиркор Белозорова Наталья Валентиновна номда берилган думалок муҳри йўқлигини сабабли бекор қилинди.

Утернянне бланки формы № 0402005 номера 1545349, 1545350 принадлежат АКИБ Инютека Банк, считать действительным.

Qishloq Qurilish Bank
ҳамюртларимизга янги, юқори фоизли ва мўддатли омонат турлари амалга киритилганини маълум қилади:

- «Совга» мўддати — 1 ой, устама фоизлар йилига — 30 фоиз
- «Матонат» мўддати — 3 ой, устама фоизлар йилига — 30 фоиз
- «Тафаккур» мўддати — 4 ой, устама фоизлар йилига — 29 фоиз
- «Фойдали» мўддати — 5 ой, устама фоизлар йилига — 27 фоиз
- «Заковат» мўддати — 6 ой, устама фоизлар йилига — 28 фоиз
- «Табият» мўддати — 8 ой, устама фоизлар йилига — 28 фоиз
- «Капитал» мўддати — 12 ой, устама фоизлар йилига — 26 фоиз
- «Адолат» мўддати — 18 ой, устама фоизлар йилига — 25 фоиз

Фоишлар ҳар ойда тўлаб берилади.

Банкдаги омонатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид ҳушимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-4057-сонли Фармони асосида тўлиқ кафолатланади.

Ахборот маркази телефонлари: (+99871) 233-71-72, 236-16-17 www.qishloqQurilishbank.uz

ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК — ФАРОВОН ҲАЁТИНГИЗ ХИЗМАТИДА!

Тошкент ш. Чилонзор т. давлат рўйхатига олинган "POYTAHT MATLUBOT SAVDO PLYUS" МЧЖ (ИНН 300958856) Устав фондини 1 200 600 000 сўмдан 1 894 000 сўмга камайтирилганини маълум қилади ҳамда Тошкент ш. Чилонзор т. давлат рўйхатига олинган "LDBUS INVESTMENT" МЧЖ (ИНН 301035137) тарихига тўлиқ қўшмабўлини маълум қилади. Давло ва аризалар (+99871) 471-60-16 телефони орқали қабул қилинади.

Тошкент ш. Хамза т. даги 69-ўрта мактаб томонидан 2007 йили Садриддин Дostonбек Бахтиёржон ўли номига берилган У № 2888581 рақамли шайхоннома йўқлигини сабабли бекор қилинди.

Тошкент ш. Чилонзор т. даги 197-о'рта мактаб томонидан 2008 йили Komilov Boxador Toir o'g'li nomiga berilgan № 3458973 raqamli shahodatnoma yo'qolganligi sababli bekor qilinadi.

Тошкент ш. Шайхонтоҳур т. даги "AL-AMAL" кўшма корхонаси (ИНН 202085537) фаолиятини тугатди. Давло ва аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой мобайнида Тошкент ш., Шайхонтоҳур т. Боғ кўча 3а-уйда қабул қилинади.

Тошкент ш. Хамза т. даги рўйхатдан ўтган "TOSHI-ELECTROMASH" МЧЖ Устав фондини 21 521 300 сўмдан 13 323 500 сўмга камайтирилганини маълум қилади.

Тошкент ш. Хамза т. даги Айриева кўчаси 25-уй учун "HUSNORA" МЧЖга берилган № 10040604030013 рақамли, реестр рақами 4-9/2003 бўлган қадастр хужжати йўқлигини сабабли бекор қилинди.

Утернянне гос.ордер № 08-01/27730 (Чилансарский р-н г.Ташкент) от 25.11.1996 г. права собственности на квартиру на имя Сайдуллоевой. Мухаддас Суҳановни, считать действительным.

"ВОЛГА" АВТОМОБИЛЛАРИГА МАКСИМАЛ ЧЕГИРМА

AVTODOM PLUS

Тел.: (99871) 140-41-21, 140-41-22. Офис: Тошкент ш., 100015, Шаҳрисабз кўч. 16 "а" / Тел./факс: (99871) 256-03-62, 256-13-01.

Утернянне гос.ордер № 261 права собственности на квартиру выданный БТИ М.Ул'абекского р-на г.Ташкента по адресу: ул.Буюк Иппо, йили д.3 на мастерскую на имя Исожонов Махаматжон Махамуджонович, считать действительным.

Утернянне круглая печать, выданный разрешительным отделом Сергелийского РОВД г.Ташкента на ООО "YUG-DU-KAFOLAT SERVICES" (ИНН 300690234), считать действительным.

ЧП "IBRONIM TEKS PLUS" (ИНН 301204187) Учтенинского р-на г.Ташкента сообщает всем заинтересованным лицам и организациям об изменении формы собственности, реорганизации и переименовании в ООО "IBRONIM POLIMER PLUS", с переходом всех прав и обязательств ЧП "IBRONIM TEKS PLUS" к ООО "IBRONIM POLIMER PLUS". Тел.: 308-30-23.

Утернянне аттестат О'Р-Ш № 102836, выданный сред.шк. № 19 Юқори Чирчиқского р-на Ташкентской обл. на имя Когай Герман Вячеславович, считать действительным.

Андрокон қишлоқ ҳўқуқлик институти жамоаси институтнинг собиқ ректори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ ҳўқуқлик ходими, қишлоқ ҳўқуқлик фанлари доктори, профессор **Абдураим МАМАДАЛИЕВИЧ** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изхор этади.

Бош муҳаррир ЧОРИ ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР КЕНГАШИ
Сайфиддин ИСМОИЛОВ, Эркин КУДРАТОВ, Фарход ОМОНОВ, Раҳимберди БЎРИЕВ, Гулможон ИБРАГИМОВ, Саид АРАБОВ, Саидамин САИДЖАЛОЛОВ, Баҳодир АБДУҚОДИРОВ, Илхом ҲАЙДАРОВ, Наримон УМАРОВ, Абдурахман БОЙМУРОДОВ, Мухаммад ЖУМАГАЛДИЕВ, Садриддин РАСУЛОВ, Виктор ЧУБ, Шухрат ТОШМУРОДОВ, Шухрат НУРМАТОВ, Адилбек АХМЕТОВ, Шамсиддин ЭСОНБОВ, Зинавуддин ОБИДОВ, Ҳакимжон УМАРҲЎЖАЕВ.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:
Айгит АДИЛОВ, Гофир АЛИЕВ, Тўланбой КАРИМОВ, Шухрат ГАНИЕВ, Устам БАРНОЕВ, Уткир РАҲМАТ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Жуманойа ЖАББОРОВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Омонулло ЮНУСОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (масъул котиб).

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 236-58-83, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 236-54-44, 233-28-04, Котиб — 233-95-17, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ХУДАУДАРЛАГИ МУҲБИРЛАР:
Коракантон Республикаси — 585-16-12; Андижон — 224-99-13; Бухоро — 542-05-18; Жиззах — 366-61-16; Навоий — 224-69-08; Наманган — 224-81-69; Ферғона — 223-35-99; Самарқанд — 222-29-97; Сирдарё — 388-06-89; Тошкент — 100-29-61; Хоразм — 750-82-39; Қашқадарё — 221-59-40; Сурхондарё — 392-50-42.

Реклама ва эълонлар — 233-44-43, 775-04-73, 236-58-83, 233-28-04.

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. E-mail: info@qishloqhayoti.uz

Навбатчи: АҚУЛМУРОДОВ **Мусахих:** С.КОДИРОВ **Дизайнер:** М.ШУКУРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Газета ошанба, пайшанба ("Ҳафт"-июва), жума кунлари чиккиди. Буюртма Г-1117, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қозғ бичими А-2. Босишга толшириш вақти: 21.00 Босишга толширилди: 00.50 9834 нускада босилди. Нашр индекси — 144. Газета тахририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5